O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 22 октябрь, № 220 (3495) Жума


## ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ

***Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти меҳнаткашлари 21 октябрь куни пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажардилар. Оролбўйи пахтакорлари 176 минг тонна, Хоразм вилояти миришкорлари эса 275 минг тонналик улкан пахта хирмонини барпо этдилар.***

***Шу муносабат билан Президент Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқонларини эришилган меҳнат зафари билан самимий табриклади.***

Дарҳақиқат оғир табиий ва иқлим шароитига эга бўлган бу минтақада тупроқ билан тиллашиб, ҳар туп ғўза ниҳолини асраб-авайлаб ҳосил етиштириш нечоғли машаққатли иш эканини юртимиздаги ҳар бир одам яхши тасаввур қилади. Шу боисдан ҳам мана шу қийинчиликларни мардона енгиб, мўл ҳосил олаётган заҳматкаш, ўз сўзида қатъий турадиган юртдошларимиз шаънига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Қорақалпоғистонлик ва хоразмлик пахта усталарининг бу юксак маррага эришишлари учун асос бўлган имконият ва омиллар ҳақида кўп гапириш мумкин. Бу ғалаба замирида шу ҳудудда яшаётган одамларнинг ўз юртига содиқ бўлиб, она тупроғини севиб-ардоқлаб келаётгани, уларнинг чинакам ватанпарварлик фазилатлари мужассамдир.

Бугунги ғалаба деҳқонларимизнинг ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўз маҳорат ва жасоратини намоён этиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган натижаларга эришишга қодир эканини яна бир бор исботлайди. Ўз келажагига катта умид билан қарайдиган, ўзининг куч ва салоҳиятига ишонадиган халқ ва миллатгина шундай ютуқларга эриша олади.

Президентимиз фидокорона меҳнат қилиб, юқори сифатли мўл ҳосил етиштирган, ҳақиқий мардлик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатган Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти пахтакорларини, барча меҳнаткашларини яна бир бор қутлар экан, улар қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаб, бундан буён ҳам Ўзбекистонимизнинг равнақи ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирди.

**(ЎзА).**

Пахта-2004







## Қорақалпоқ карвони

***Қорақалпоғистонлик лафзи ҳалол деҳқонлар аввал бошданоқ пахтачиликда уч муҳим вазифани ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.***

Биринчидан, республика иқтисодиётининг асосий тармоғи ҳисобланган соҳадан келадиган даромад халқ хўжалигининг юксалишига йўл очиб бериши лозим. Иккинчидан, 2000-2001 йиллари юз берган қурғоқчиликдан зарар кўрган шимолий туманларнинг аксарияти пахта орқали ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаши, учинчидан, азалдан тармоқда катта тажриба тўплаган жанубий туманлар илгариги мавқеини қайта тиклашлари керак эди. Бугун ана шу вазифа ёруғ юз билан адо этилиб, она Ватан хазинасига 176 минг тонна сара «оқ олтин» армуғон қилинди.

— Жорий йилда жойларда 55 та биолаборатория ташкил қилдик, — дейди республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази раҳбари Ромонберди Раззоқов. — Уларнинг барчаси тўла қувват билан ишлади. Натижада пешона тери билан етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми сақлаб қолинди.

Эътиборлиси, бу йил шимолий туманларда ҳам пахтачиликка жиддий эътибор қаратилди. Қораўзак, Қўнғирот, Қанғликўл, Кегайли, Тахтакўпир, Чимбой туманлари деҳқонлари 20-25 кунда йиллик шартнома режасини бажарганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Бугун уйилган хирмонга, айниқса, Қораўзак туманидаги «Қуролпа», Қўнғирот туманидаги Охунбобоев номли, Қанғликўл туманидаги «Қанғликўл», Кегайли туманидаги Қ. Абибуллаев номли, Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир», Чимбой туманидаги «Бахитли», Амударё туманидаги «Оқ олтин», Элликқалъа туманидаги «Элликқалъа» ширкат ва фермер хўжаликлари уюшмалари пахтакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Айни пайтда машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни сўнгги мисқолигача териб олиш билан бирга, келгуси йил учун ҳам пухта тайёргарлик бошлаб юборилди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ПОК НИЯТ ИЖОБАТИ

**Хоразм воҳаси узра хушхабар тарқалди: вилоят пахтакорлари йиллик шартномавий режани ортиғи билан уддаладилар. Ҳосилдорлик гектарига 30 центнерни ташкил этди.**

Шу ўринда «Ана шу улкан ютуқнинг омиллари нимада?» деган табиий савол туғилади. Бундай чўнг хирмоннинг бунёд этилишида, аввало, Юртбошимизнинг хоразмлик деҳқонларга билдирган ишончи асосий омил бўлди, десак янглишмаймиз. Эслайлик, Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, Хоразм вилояти мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланганди. Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига ана шу юксак мукофотни топшириш маросимида сўзлаган нутқида хоразмликларга, фидокор пахтакорларга юксак ишонч билдириб, «Бу йил мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, жумладан, Хоразм учун нақадар оғир келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундан қандайдир ўксиниб юрган хоразмлик деҳқонларни бағримга босиб, айтмоқчиман: азизларим, қадрдонларим, хижолат бўлманг, ҳаёт бир йил билан якун топмайди. Мен ишонаман, мана шундай ориятли халқ билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкин. Пок ният билан қилган машаққатли меҳнатимиз ўз ҳосилини беражак, иншоолоҳ», деб таъкидлаган эди.

Бундан руҳланган хоразмликлар жорий йилда бир ёқадан бош чиқариб, бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилдилар.

Барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилди. Айниқса, сувдан, ўғитдан, ёқилғи-мойлаш материалларидан тежамкорлик билан фойдаланилди.

Бундан ташқари, вилоятда қишлоқ хўжалик ходимларини рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилиб, дала меҳнаткашларининг меҳнати йил давомида узлуксиз рағбатлантирилиб борилгани, ҳозиргача уларга 410 миллион сўмдан ортиқ мукофот пуллари тарқатилгани ўз самарасини берди.

Воҳада уруғлик танлашга эътибор қаратилгани ҳам улкан хирмон яратилишида қўл келди. Экин майдонларининг 70 фоизига табиий иқлим шароитига мос «Хоразм-127» нави экилганлиги туфайли ҳосил эрта пишиб етилди.

Уйилган улкан хирмонга Янгибозор, Хонқа, Боғот, Янгиариқ, Хива, Ҳазорасп, Шовот туманлари пахтакорлари муносиб улуш қўшдилар. Айниқса, тўлиқ фермерликка ўтган Янгибозор тумани деҳқонлари маррага вилоятда биринчи бўлиб етиб келиб, 26660 тонналик хирмон яратдилар. Бу борада «Бегиобод», «Дониёр-Расулбек», «Сад Дарға», «Истиқлол» каби юзлаб фермер хўжаликлари карвонбошилик қилганликларини айтиб ўтиш жоиз.

Режани бажарган хоразмлик пахтакорларнинг руҳи тетик, кайфияти баланд. Улар теримни бўшаштирмай, даладаги ҳосилни нобуд қилмай, тўлиқ териб олишга, давлатга яна 30 минг тонна пахта топширишга қарор қилганлар. Шунда рентабеллик даражаси 20-25 фоизга етади. Пахтачиликдан 70 миллиард сўм даромад олинади. Бу даромад эса хоразмликлар турмуш даражасини оширишга, эл-юрт фаровонлигига, бунёдкорлик ишларига сарфланади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сайёҳлик истиқболлари



**Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да Марказий Осиё профессионал сайёҳлик ярмаркаси TITF ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган “Буюк ипак йўли” юбилей ярмаркаси иш бошлади.**



“Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Буюк ипак йўли” реклама агентлиги ташкил этган ушбу тадбир Жаҳон сайёҳлик ташкилоти шафелигида ўтказилмоқда.

Россия, Германия, Кипр, Хорватия, Туркия сингари 30 дан зиёд давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этаётган ярмаркада соҳадаги янгиликлар, янги тур йўналишлари, ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспортидан фойдаланишда сайёҳлар учун яратилаётган қулайликлар ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш тизимларидаги ютуқлар намойиш қилинади. Шунингдек, сайёҳлик борасида тенг манфаатли шартнома ва битимлар ҳам тузилади.

— Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо 144 мамлакат орасида мамлакатимиз ҳам бор, — деди мазкур тадбирга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида “Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси Б. Ҳусанбоев. — Кейинги даврда Ўзбекистонга хорижий сайёҳларнинг қизиқиши ортмоқда. Бу ўз навбатида туризм соҳасини, жумладан хизмат кўрсатиш маданиятини такомиллаштиришни тақозо қилади. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Самарқандда иш бошлаётган ваколатхонаси ҳам айнан мана шу мақсадга хизмат қилади.

Халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

**С. ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

**СУРАТДА: халқаро ярмаркадан лавҳалар акс эттирилган.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

### Швейцариялик донор совғаси

Қарийб беш йилдан буён Навоийда аёллар ва ўсмир қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган халқаро ХОУП лойиҳаси самарали фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда лойиҳа директорлар Кенгаши аъзоси — “Филипс-Медикал” ташкилоти вице-президенти Диетер Хофман ва ҳудудий менежер Жорж Эспадо томонидан вилоят ўсмирлар репродуктив марказига фетал монитор аппарати совға қилинди.

Швейцариялик донор совғаси она ва бола саломатлигида муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиз.

**“Туркистон-пресс”.**

## Тилимиз фахримизга айланди

***“Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганига 15 йил тўлиши муносабати билан республикамизнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бундан айтиш мумкинки, она тилимизни нафақат асраш, балки уни келажак авлодга софлигича етказиб бериш муҳимдир***

Шу муносабат билан Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси кеча Тошкент давлат архитектура ва қурилиш институтида “Тилим — фахрим” мавзуида конференция ўтказди. Унда институт ўқитувчилари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Мустақиллик туфайли ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги, бугунги кунда ўзбек тили нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё халқлари билан ҳам алоқа қилиш воситаси даражасига эга бўлганлиги хусусида Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Ойниса Мусурмонова маъруза қилди.

Таъкидланганидек, ўзбек тили жуда бой тил. Бу тил орқали дунё мамлакатлари ўзбек халқини, Ўзбекистонни билишади. Маънавий меросимизни, қадриятларимизни эъзозлашади. Тилимизга оид энг нодир асарларимизни мутолаа қилишади. Демак, ўтмишимиз, келажагимиз тилимизнинг софлиги билан кўпчилик эътиборидадир.

**Анжуман**

Конференцияда “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг муҳим жиҳатлари, яъни республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмаслиги ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди. Айниқса, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимнинг тил ва тақлидга оид маърузаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, мамлакатимизда яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат қилишнинг таъминланиши, бошқа тилларнинг ҳам ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилиши инсон ҳуқуқлари талаби даражасида эканлиги маърузачи томонидан яна бир карра таъкидланди.

Тадбир сўнгида институт талабалари бадиий чиқишлар ва саҳна асарларидан кўринишлар намойиш этишди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## ЖАРАЁН

***шу даражада жонли, аниқ ва холис кечмоқдаки, Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳаракатлар дастурининг иккинчи босқичида ҳам бу ҳолат ёрқин сезилмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида кеча оммавий ахборот воситалари вакиллари яна бир бор тўпландилар. Матбуот маркази раҳбари Ш. Қудратхўжаев бошқариб борган анжуманда Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Мустафоев айнан иккинчи босқич тадбирлари хусусида ахборот берди. Унда таъкидландики, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан, парламентнинг қуйи палатасига сайлов 120 та ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормасини 119,6 минг сайловчи қилиб белгилади. Шундан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Марказий сайлов комиссиясига Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун тегишли ҳудудлар доирасида сайлов округларини тузиш бўйича тақдимномалар киритдилар. Тақдимномаларга асосан, Марказий сайлов комиссияси ўз мажлисида сайлов округларини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. 120 та сайлов округининг рўйхати матбуотда чоп этилди.

Ҳозирги пайтда округ сайлов комиссиялари ўз зиммаларидаги вазифаларни амалга оширишга киришдилар. Уларнинг асосий тадбирларидан бири сайлов участкаларини тузишдир. Сайлов участкаларини тузишда, табиийки, сайловчиларга овоз бериш учун қулай шарт-шароит яратиш муҳим мезон ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига биноан, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қонунда кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади. Ҳозирги пайтда бу жараён ҳам бошланган. Тегишли сайлов округларидан рўйхатдан ўтган сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўзлари кўрсатган номзодни сайловчиларнинг қўллаб-қувватловчи имзоларини тўплашга киришдилар.

Хуллас, жараён жонли, қонуний ва холис давом этмоқда. Зеро, бу жараённинг қизғинлиги Марказий сайлов комиссияси раисининг оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига берган аниқ-тиниқ жавобларида ҳам ўз аксини топди. Шунингдек, бу Марказий сайлов комиссияси, унинг Матбуот марказидан бошланган тадбирлар мамлакатимизнинг барча бурчакларида ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги ва ўз қонуний ижросини топаётганлигида ҳам кўзга ташланмоқда.

**Э. БОЛИЕВ.**

## Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига асосан сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза ва тақдим этган бошқа ҳужжатларини кўриб чиқди ва аризаларнинг келиб тушиш тартибига қараб, шу йил 15 октябрдаги 205-қарори билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясига, 16 октябрдаги 206-қарори билан Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясига, 17 октябрдаги 207-қарори билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига, 21 октябрдаги 208-қарори билан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига, 21 октябрдаги 209-қарори билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишга ижозат берди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссияси**
**Матбуот хизмати.**

Марказий сайлов комиссиясининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловда иштирок этиш масаласи кўриб чиқилди. Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи ишчи гуруҳининг хулосасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси «Адолат» СДПнинг парламент сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Сўнгра Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев «Адолат» СДП биринчи котиби Турғунпўлат Даминовга ушбу қарорнинг нусхасини топширди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Тадбирда ушбу сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисидаги Марказий сайлов комиссиясининг қарори эълон қилинди. Мазкур комиссия раиси Бўритош Мустафоев Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси биринчи котиби Хуршид Дўстмуҳаммедовга ушбу қарорнинг нусхасини топширди.

Бундан ташқари, йиғилишда вақтинча хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг парламент сайловида қатнашишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида ташкил этилаётган ушбу — 40 та сайлов участкаси 3-Темирйўл сайлов округи таркибига киритилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёзувчилар пахта далаларида

**Халқимизнинг пахта-йиғим теримидаги мислсиз меҳнат жасорати кимларни илҳомлантирмаган, кимларнинг қўлига қалам тутқазмаган. Бугун ижодкорман дегани борки, илҳом меваларини даладан тергиси келади. Мана, вилоятлар кетидан вилоятлар шартнома маррасини ишғол қила бошладилар. Жиззах пахта терими бошланганда вилоятлар орасида энг кейинги ўринлардан бирида эди. Имкониятлар кенгроқ ишга солиниб, суръат отига қамчи босилгач, бирин-кетин бир нечта вилоятдан илгарилаб ўтди. Зафар маррасига яқин қолган Жиззах ҳозир ҳам кунлик суръатда пешқадам.**

# КУЗ – ДЕҲҚОН ТАРОЗУСИ



### Қирғирайнинг шамоли

*Юргил, далаларга кетайлик,*
*дўстим,*
*Диққинафас уйда ётмоқ*
*пайтимас.*

Куз одамнинг юрагидан тортиб йўлга чорлайди, «диққанафас уй»дан чиқиб далалар бағрига отилгинг келади. Шундай эзгу туйғу билан Жиззах далаларига йўл олдик. Қай манзарага кўзимиз тушмасин, севикли шоиримиз Абдулла Ориповнинг она Ўзбекистон кузи ҳақидаги ҳассос сатрлари хаёлга келаверади.

Жиззах тумани вилоятдаги пахта юки оғир бўлган тўрт тумандан бири ҳисобланади. Шунингдек, бу ердаги жамоаларда ҳосилдорлик ҳам анча юқори. Туманда бизга ҳар куни тўрт фоизга яқин пахта топшираётган Ҳамид Олимжон номли агрохизмат марказига боришни маслаҳат беришди.

Хўжаликнинг энг четидаги майдонларга қараб юрдик. Бунинг сабаби бор эди. Бундан тўрт йил илгари ана шу жойларни қамиш-ғумайлар босиб кетганини кўриб кўп афсусланган эдим. Бугун... Машинадан тушдигу, ўша қамиш-ғумайли майдон ўрнида бир дона ҳам бегона ўти бўлмаган пахтазорни кўриб, кўз қувнаб, хурсанду лол бўлиб қолдик. Яшил барглар орасидан мўралаб турган лўппи-лўппи пахталарга қараб юрагинг ширин орзиқади.

Бугун лўппи-лўппи очилган ана шу момиқлар замирида ўзбек деҳқонининг қанчалар заҳмати ётганини ҳамма ҳам билармикан? Бу очилган пахталар эмас, балки ўзбек деҳқонининг заҳматидир.

*Сонсиз эгатларга сочилмиш, ана*
*Менинг шодликларим, эзгу дардларим!*

Саноқсиз эгатларга ёйилган теримчиларга «Ҳорманглар!», десак уларни чалғитиб қўямизми, деган хижолатда тек туриб қоламиз.

Ана мош-кичир соқолли, оқ яктак кийган, қора ширинддан келган деҳқон биз билан кўришди. У «Саҳо» фермер хўжалигининг раҳбари Ботирқул Раҳмонқулов экан.

— Икки минг биринчи йили ҳеч бир фермернинг юраги дов бермаган, қамишзору ғумайзор бўлган мана шу қирқ беш гектар ерни олдим, — деб ҳикоя қилади Ботирқул ака. — Қамишу ғумай, ажриқдан қандай қутилганим азобини айтмай қўя қолай. Юртбошимизнинг Қашқадарёга бориб деҳқонлар билан учрашгандаги бир гапи менинг юрагимда акс-садо берди. «Ҳавас қилган ҳар қандай одам ҳам фермер бўлавермайди. Бунинг учун ернинг тилини билиш керак! Бари гап ер билан тиллаша билишда. Шартнома режасини аллақачон бажарганмиз. Олтмиш тоннага яқин уруғлик пахта топширдик. Рустам, Ўктам, Бектош, Қўлдош Кароматовлар, Дилшод, Искандар Раҳмонқуловдек қанотларим билан ҳосилдорликни қирқ центнердан оширмоқчимиз. Насиб этса, бариси биринчи сорт бўлади.

Ботирқул ака билан қисқа суҳбатдан кўз ўнгимиздан нафақат ер билан тиллаша оладиган, балки ўз ишини табиат билан уйғунлаштириб олиб бора оладиган ҳазрати деҳқон гавдаланади. Кузнинг илк кунлари эди. Ботирқул акаси биология фанлари доктори Умарқул Раҳмонқулов билан дала айланиб юрган эди, осмонда булутлар кўриниб, ёмғир ёғиб юборди.

Олим ачиниб:

— Оббо, чатоқ бўлдию, — деди бир шеригига, бир осмонга қараб.

Ботирқул ака эса ҳеч ташвиш тортмай, юзидан севинч барқ уриб:

— Айланай оби раҳматингдан! — деб кўксини томчиларга тутди. Ҳайрон бўлиб турган акасига қаради. — Қирғирайда қирқ томсин, ҳеч бўлмаса бир томсин, дейишган! Кузнинг қирғирай, деб аталадиган шунақа палласи бор. Шамолингдан айланай, қирғирайим! Аллоҳга шукур, куз зўр келади!

Олим укасига ишонқирамай қаради.

Кузда Жиззах туманидаги «Норқозоқ ота» фермер хўжалиги шартнома режасини ошириб-тошириб бажарди, Қодирқул Норқозоқов бошлиқ Ҳасан Саидқулов, Фарҳод Саидов, Ботир Исмоилов каби деҳқонларнинг астойдил тер тўкканликлари сабабли биринчи теримнинг ўзидаёқ 32 центнердан ошириб ҳосил кўтарилди. Режа уддаланган куни туман ҳокими Комилжон Қобилов пешқадамлар ҳузурига келиб, фермерга рангли телевизорни топширди.

### Ҳиммат

*Қуёш бота бошлар...*
*гавжум қирларга*
*Қорая-қорая тўшалар оқшом.*

Жиззах тумани ҳудудидан чиқаётганимизда гўзал бир оқшом тўшалар вақт бўлганди. Йўл четида даладан қайтаётган ёш-қариларни кўрдик. Жиззах шаҳридаги барча маҳаллалардан, шаҳар ташкилотларидан беш мингдан зиёд теримчи Жиззах, Зарбдор тумани далаларига қатнаб пахтакорларга мадад беришяпти. Шаҳарликлар қатнаб теримга иштирок этаётган бўлсалар, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Янгиобод туманларидан ҳиммат камарини боғлаб, кўрпа-тўшагини кўтариб келган минг-минглаб ҳашарчилар бевосита далага яқин жойларда тунаб теримда иштирок этмоқдалар. Жиззах, бу — ҳар бир қаричига қўл кучи етиб бора оладиган Фарғона ёҳуд Самарқанд эмас, айни долзарб пайтда ишчи кучи етишмайди. Ахир, бир пайтлар Тошкентдаги барча талабалар кўчиб келишиб пахтани териб оладиган Жиззах вилоятида қўл теримини ташкил қилишнинг ўзига хос томонлари бор.

Зарбдор туманига кирар йўлда тўхтадик. Катта йўл бўйида турган бир неча «Отайўл» автобуслари ёнида аллақандай ташвишли, сергак бир қиёфадаги Жиззах аккумулятор заводи бош директори Қудрат Рафиқовни кўрдик. У киши вилоят ташкилотлари қошида ташкил қилинган фермер хўжаликларида теримни муваффақиятли ташкил қилишга масъул экан. Завод ишчилари ҳам теримга яқиндан ёрдам беришяпти, корхонага қарашли автобуслар ҳашарчилар хизматига мудом шай.

— Вилоятда ҳали биринчи терим тугамаган пахтазорлар анча, — деди у. — Ҳашарчиларни ўша жойларга олиб ўтишимиз зарур, шунинг ташвишидамиз.

Йўлдош Қурбонов номли агрохизмат марказига кириб борганимизда оқшом тушиб қолган эди. Идора олдида вилоят ҳокимлиги ходими Исроил Олимов ва Ўзбекистон — Британия «ЖИБРИ» қўшма корхонаси директори Раҳматилла Бўстоновни учратдик, улар Зарбдор туманида теримни ташкил қилишга ёрдамлашгани келишганди.

— Мана, бу тўртинчи мактаб биносида тумандаги иқтидорли болалар лицейи, малака ошириш институти, «Жиззахсаёҳат», вилоят санитария-эпидемиология маркази, вилоят касаба уюшмасидан келган ҳашарчилар жойлашган, — деди И. Олимов.

Бинога йўл олдик. У ерда, мактаб ҳовлисида бизни лицей директори Бахтиёр Эрдонов кутиб олди.

— Гапнинг очиғини айтсам пахта терими, — деди у, — ёшларни эл ишига, умумманфаатга жонкуярлик руҳида тарбиялашда жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Қаранг, Лазиз Фармонов, Фарида Муродова, Жамол Ширинбоев, Эркин Тошбоев каби ўқувчиларимиз 80-120 килограммга етказиб пахта теришаяпти.

Биз вақтдан фойдаланиб ёшлар билан кичик мушоира ўтказдик, вилоятдаги ижодкорлардан — ўқитувчи Муаттар Жаъфарова, ёшлар Замира Алимова, Санжар Саяқулов, Ирода Сафаровалар ўз шеърларидан намуналар ўқиб беришди. Тумандан келган Нуриддин Эшбоев бошлиқ «Оқбулоқ» санъаткорлар гуруҳи хизматга шай бўлиб турганди, шеърларга қўшиқлар, куйлар уланди.

Бугун ушбу лицей каби Жиззах давлат педагогика институти, политехника институти, тиббиёт, педагогика ва бошқа кўплаб ўқув юртларининг талабалари ҳам 211 мингдан зиёд теримчилар сафида туриб вилоят хирмонига баракали улуш қўшмоқдалар.

### Ўн бир чигитли пахта

Бир пайтлар Пахтакорда Холбуви Рустамова деган машҳур пахтакор бўларди. Биз туман ҳокимлигидан донгдор опахоннинг фермер хўжалиги қаердалигини аниқлаб, унинг ишлари билан танишишга аҳд қилдик. «Азизон» фермер хўжалиги даласига етиб борганимизда пахтазорда фермер айланиб юрганини кўрдик.

Бизга пешвоз чиққан Холбуви саломлашар экан:

— Мана бу пахтани қаранг, — деди у қўлидаги пахта толасини бизга кўрсатиб. — Бир чаноқдаги пахтада ўн битта чигит! Бунақасини яқин ўртада кўрмагандим.

Олдик. Санаб кўрдик. Чигити ўн битта.

— Бунинг нима аҳамияти бор?

— Бу ғўзани яхши боқишган, шунинг учун чигити ҳам кўп, толаси пишиқ, дегани.

— Айтинг-чи Холбуви, пахтанинг бундай яхши бўлгани фақат об-ҳавонинг қулай келганиданми?

— Йўқ, биргина об-ҳавонинг қулай келганидангина, деб қараш нотўғри, — деди у. Аввало, Аллоҳдан, иккинчиси эса сув етарли бўлди, учинчиси таъминот. Мен таъминот деганда кўпроқ минерал ўғит таъминотини айтаяпман. Гапнинг очиғи, ҳар йили ўғитни урйиқит, жанжал билан олардик. Бу йил эса ўғитни махсус машиналарда шундай омборимизга олиб келиб тўкиб беришди. Шундан кейин ҳам ўғитни ишлатмасак инсофданми? Тўртинчиси, ишлаганларга иш ҳақи берилди, банкларга иш ҳақи махсус ҳисобда келди.

Биз юзлари куз офтобидан қорайган, эзгу ниятли бу жувонга ишларида омад тилаб йўлга тушдик.

Яна катта йўлга чиқиб олдик.

— Қаранг, — дейди ҳамроҳимиз турнақатор тележкаларни судраб кетаётган тракторни кўрсатиб. Тўртта тележкани судраган тракторни яқин орада кўрмагандим.

Катта йўлнинг шундай ёқасида, пахта топширишга навбат кутиб турган тележкалар олдида Пахтакор заводи директори Бозор Қўшбоқовни кўриб қолдик, саломлашиб улгурмасимиздан уяли телефони жиринглаб қолди.

— Алло, ҳа, Раҳматилла ака, сизми? Олдингизми, яхши, бир «Камаз» мойни тўғри «Пахтакор» хўжалигига олиб боринг!

Биз «Пахта бу ёқда қолиб, директор нега мой билан шуғулланиб юрибди?» деган, фикрда бирбиримизга қарадик ва:

— Қанақа мой? — деб сўрадик даб-дурустдан.

Директор гаплашиб бўлгач:

— Вилоятимизда иккинчи терим пахта учун ҳар тоннасига қирқ килодан пахта ёғи терим ҳақига қўшимча равишда тарқатилади. Шунга биз масъулмиз. Тўғри-да, хирмонга тушадиган ҳар бир кило пахта учун астойдил ҳаракат қилишимиз керак. Ана шунда пахтакорлар ҳам, бошқалар ҳам кўпроқ манфаатдор бўлади, шунинг учун кўп хўжаликларда терим суръати пасаймаяпти.

Бозор Қўшбоқов тумандаги хўжаликларнинг далаларини айланиб чиқиб тўқсон фоиз пахтани биринчи сортга қабул қилишни мўлжаллашаётганини, бунинг учун деҳқонларга пахта ташиш, хирмонга етказиш бўйича бор кучлари билан ҳаракат қилашаётганини тўлқинланиб гапириб берди.

### Хилватда ўй суриш ярашмас

Дўстлик туманига етиб келганимизда айни тушлик пайти эди. Ҳокимликка кирсак, йиғилиш бўлаётган экан. Туман ҳокимлигининг масъул ходими Акбар Саидқосимов масалага ойдинлик киритди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Сайфиддин Исмоилов тушлик пайтидан фойдаланиб терим суръатини туширмаслик хусусида фикрлашиб олиш учун йиғилиш ўтказаётган экан. Дарҳақиқат, йиғилиш узоққа чўзилмади. Туман ҳокими Маҳмуджон Холбўтаев билан далага жўнаб кетиш олдидан қисқагина суҳбатлашиб олдик.

— Биз қирқ олти минг беш юз тонна пахта топшириб шартнома режасини бажардик, — деди у. — Умумишлаб чиқаришимиз эса эллик уч минг тоннага яқин. Туманнинг юки салмоқли. М. Дадажонов, Қ. Раҳимов, А. Саркисов номли хўжаликларимизнинг ҳар бири олти минг тоннадан ошириб пахта етиштиради. Мана, ҳозир «Манас» хўжалиги пешқадам, режани бажарди, яхшиси, уларнинг иши билан танишсаларинг.

Шундан сўнг биз Акбар Саидқосимов билан баргаликда «Манас» хўжалигига йўл олдик.

Содиқ Шодиев раҳбарлик қилаётган «Ҳожи ота» фермер шийпонига бориб, у ердаги саранжом-саришталик, озодалик, ободончиликни кўриб жуда хурсанд бўлдик. Шийпон дид билан таъмирланган, ётоқхона, ошхоналар яхшилаб жиҳозланган, сауна, дам олиш хоналари, ҳамшира хонаси мавжуд, шийпон гулларга, мевали дарахтларга бурканган.

Фермер Содиқ Шодиев пахта топшириш учун заводга кетгани туфайли у билан суҳбатлаша олмадик, бу ерда «Истиқлол» фуқаролар йиғини раиси Бозорбой Ўролов билан кўришдик. Раис фермер йигитнинг ибратли ишларини алоҳида тўлқинланиб гапира бошлади.

— Қўл терими билан бир кундаёқ шартнома режасини бажарди, — деб унга қўшимча қилди Акбар Саидқосимов.

Ҳашарчилар тушлик қилиб, энди теримга отланишаётган экан, бизга «Кейс» деган ном орттирган Фазлиддин Мардоновни таништиришди. У кунига 160-170 килограммдан ошириб пахта терар экан. Азиз Эшонқулов, Шерали Ўтаев, теримчи қизлар Севара Рустамова, Шоҳиста Эшқувватова, Бахтинисо Инатова, Манзура Шукурова, Зоҳида Жумаевалар ҳам юз килограммдан ошириб пахта теришмоқда.

Фарҳод Бобоқулов, Жумабек Сафаров, Абдуҳамид Жабборов, Бахтиёр Худойбердиев, Ўрозали Жўраев, Ўрозали Турсунбеков, Ҳақберди Йигитов, Яхшилик Умаров, Эркин Ғозиев, Жумабек Сафаров, Шокир Жўраев каби фермерлар шартнома режаларини биринчилар қаторида бажариб эл хирмонига баракали улуш қўшдилар. Ана шундай фидокорларнинг астойдил тер тўкиб ишлаши туфайли Дўстлик тумани, юки оғир бўлишига қарамай, вилоятда пешқадамликни эгаллаб турибди.

Биз далаларни кезиб Жиззах вилояти халқининг кайфияти баландлигини кўрдик. Энг муҳими, одамларнинг умиди эзгу ва ёруғлигини, қатъий ишонч билан келажак сари интилаётганининг гувоҳи бўлдик.

*... Сокин хилватларга*
*чорлайди, аммо,*
*Хилватда ўй суриш*
*ярашмас бугун*
*Заҳматкаш ўзбекнинг*
*ҳосили қандоқ?!*
*Кузнинг фалсафаси*
*шундай биз учун!*

**Туроб МАҚСУД.**

## Денов довондан ошди

Денов тумани пахтакорлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олишган. Улар деҳқончилик маданиятини ошириб бораётганлиги, тадбиркорлик асосида иш юритаётганлиги, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланаётганлиги боис ҳар йили воҳада биринчилардан бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажариб келишади. Жорий йилда ҳам деновликлар 41 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси жамғариб, топшириқни уддаладилар. Мавжуд 12977 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,6 центнердан "оқ олтин" йиғиштириб олинди.

Бундай муваффақиятга, албатта, осонликча эришилгани йўқ. Йил давомида қилинган фидокорона меҳнат, ер ва иқлим шароитига мос ғўза навининг танлангани, экин агротехника қоидалари асосида парвариш қилинганлиги, шунингдек, пахта йиғим-терими мавсумига пухта тайёргарлик кўрилгани ўз самарасини берди. Эришилган ғалабага, айниқса, Собир Раҳимов номидаги, Охунбобоев номидаги, И. Тўраев номидаги, "Холчаён", "Ҳазорбоғ", "Ғалаба", Бобур номидаги, "Мустақиллик" ширкат ва фермер хўжаликлари уюшмалари муносиб улуш қўшдилар. Шунингдек, "Лочин", "Аваз", "Эшқобил", "Алпомиш", "Авазбек", "Зафар", "Кенжа", "Ҳусан", "Қобил бобо" ва бошқа ўнлаб фермер хўжаликлари пахтакорлари ҳам катта хирмонни бунёд этишда фидойилик намуналарини кўрсатишди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китоб қилишича, жорий йилда соҳадан 2,9 миллиард сўмдан ортиқ соф фойда олиш кўзда тутиляпти. Даромаднинг асосий қисми ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилади.

— Шартнома режаси бажарилган бўлса-да, терим суръати сусайгани йўқ, — дейди туман ҳокими Абдусамат Ҳожиқулов. — Боиси, ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Деҳқонларимиз кузнинг илиқ кунларидан унумли фойдаланиб, хомашёнинг охирги мисқолигача йиғиштириб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Музейда анжуман

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида нақшбандия тариқатининг етакчиларидан бири Ҳожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги олдидан тадбир ўтказилди.

Мамлакатимизнинг етакчи олимлари Ҳожа Аҳрор Валий яшаган давр, алломанинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида гапирдилар. Анжуман иштирокчилари музейнинг етти йиллик тарихи, бой экспонатлари билан ҳам танишдилар. Тадбир сўнгида ЎзМУ ва ТДЮИ талабалари иштирокида "Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН

«ХАЛҚ БАНКИ»



ЯНГИ «МАРЖОН»
— қисқа муддатли омонат турини таклиф этади.

Омонатга пул маблағлари 6 ой муддатга, йиллик 30 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 50000 сўм миқдорида Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

*Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!*

Мулкчилик шаклидан қатъий назар қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилот, корхона ва фирмалар диққатига!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

2005 йилда қурилиш ишлари олиб бориладиган қуйидаги мактабларга танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотлари малакасини олдиндан аниқлаш бўйича

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ЯНГИ ҚУРИЛИШ

Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ҳасанобод турар-жой даҳасида 210 ўқувчи ўринли мактабни тайёр ҳолда (под ключ) қуриш.

КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ

1. Наманган шаҳридаги 26-сонли мактаб.
2. Наманган туманидаги 29, 28, 12-сонли мактаблар.
3. Косонсой туманидаги 3-сонли мактаб.
4. Мингбулоқ туманидаги 41, 5, 25-сонли мактаблар.
5. Чуст туманидаги 60-сонли мактаб.
6. Поп туманидаги 20, 60-сонли мактаблар.
7. Тўрақўрғон туманидаги 40, 56, 3-сонли мактаблар.
8. Уйчи туманидаги 41-сонли мактаб.
9. Норин туманидаги 30, 42-сонли мактаблар.
10. Чортоқ туманидаги 4, 20-сонли мактаблар.
11. Янгиқўрғон туманидаги 39, 26, 53-сонли мактаблар.
12. Учқўрғон туманидаги 18-сонли мактаб.

КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ

1. Наманган шаҳридаги 21, 59, 33, 4-сонли мактаблар.
2. Наманган тумани, Ирвадон қишлоғидаги лицей, 15, 24-сонли мактаблар.
3. Косонсой туманидаги 12, 17, 11, 6, 2-сонли мактаблар.
4. Мингбулоқ туманидаги 28, 17-сонли мактаблар.
5. Чуст туманидаги 49, 2, 8, 14-сонли мактаблар.
6. Поп туманидаги 28, 17, 35, 1-сонли мактаблар.
7. Тўрақўрғон туманидаги 48, 22, 10-сонли мактаблар.
8. Уйчи туманидаги 13, 7, 31, 21, 32-сонли мактаблар.
9. Норин туманидаги 5, 39, 41-сонли мактаблар.
10. Чортоқ туманидаги 19, 51, 43, 3-сонли мактаблар.
11. Янгиқўрғон туманидаги 54, 3, 4, 15, 34-сонли мактаблар.
12. Учқўрғон туманидаги 41, 23-сонли мактаблар.

*Буюртмачи* — Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. *Телефонлар:* (8-3692) 26-22-60, 33-77-06. Қурилиш ишлари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак: *объект қийматининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорида айланма маблағига ёки маблағ берилишига банк кафиллиги, ишлаб чиқариш базаларига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Қурилиш ташкилотлари малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга:

**Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилишлари мумкин. Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.**

*Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан ўтган корхона ва ташкилотлар (оферентлар) учун танлов ҳужжатлари битта тўплами нархи — 50000 (эллик минг) сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А. Хўжаев кўчаси, 59-уй.*

*Изоҳ: 2005 йил манзилий рўйхати тасдиқлангандан сўнг мактаблар рўйхатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*




# 50/50

## Ўзингизда эмас — «ЎзДЭУавто» автомобилларида тежанг!

«Асака» банки «ЎзДЭУавто» компанияси билан биргаликда — **«ЎзДЭУ автомобиллари — кредитга!»** номли янги акциясини ўтказмоқда. Энди сиз, «ЎзДЭУавто» автомобилининг **50 фоиз** нархини тўлаб, унга эгалик қилишингиз, қолган **50 фоизини** эса, йиллик **16 фоизни** инобатга олган ҳолда, **2,5 йил** ичида тўлашингиз мумкин.

**Шошилинг! Акция фақат 2004 йил охиригача давом этади.**

Хизматлар лицензияланган

«Асака» ДАТ банкининг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.

## ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ



*эгалланган лавозимларга қуйидаги кафедралар бўйича танлов эълон қилади:*

1. Оториноларингология — доцент, ассистент.
2. Офтальмология — кафедра мудири.
3. Шошилинч тиббий ёрдам — доцент.
4. Анестезиология ва реаниматология — кафедра мудири.
5. Жарроҳлик стоматология — кафедра мудири, доцент.
6. Урология ва нефрология — кафедра мудири.
7. 1-стоматология — доцент, ассистент.
8. Рентгенология — кафедра мудири.
9. Клиник лаборатор диагностика — кафедра мудири, катта ўқитувчи, доцент.
10. Патанатомия ва суд тиббий экспертиза — доцент.
11. Соғлом турмуш тарзи фалсафаси ва тиллар — кафедра мудири, доцент.
12. Эпидемиология — доцент, катта ўқитувчи (2).
13. Микробиология — кафедра мудири.
14. Гигиена — профессор.
15. Нейрореабилитация ва рефлексотерапия — ассистент.
16. Болалик даври анестизиологияси ва реанимацияси — профессор.
17. Педиатрия ва функционал диагностика — доцент, ассистент (2).
18. Ортодонтия ва болалар стоматологияси — доцент (2), ассистент.
19. Педиатрия ва болалар овқатланиши — кафедра мудири, доцент (2), ассистент.
20. Болалик даври юқумли касалликлари — ассистент.
21. Неонатология — ассистент.
22. Ўсмирлар ва чақирув ёшдагилар касалликлари ва тиббий экспертиза — ассистент.
23. Кардиология ва функционал диагностика — доцент (2), доцент (3).
24. Ички касалликлар — кафедра мудири, доцент, ассистент.
25. Пульмонология ва клиник аллергология — кафедра мудири, ассистент.
26. Тери-таносил касалликлари — кафедра мудири.
27. Фармакология ва гастроэнтерология — ассистент.

*Мурожаат учун манзил:*
*Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон: 68-17-44.*

**Республика ишбилармонлари ва тадбиркорлари диққатига !**

## «Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.О.»

**халқаро лизинг компанияси**

*соатига 450 кг. маккажўхори сўтасига бирламчи ишлов бериб, донларни ювиш қувватига эга бўлган, 2002 йилда Венгрияда ишлаб чиқарилган, қуйидагилардан ташкил топган ускуна сотишини эълон қилади:*



1. Маккажўхори сўтаси қўлда бериб туриладиган 3-AR кесиш машинаси (электр двигателли, 1 1/2 от кучига эга), кесиш машиналари учун пичоқлар тўплами бўлган захира қалпоқчаси билан.
2. SF 07-3.5 флотацион ювиш машинаси:
   - йўналтирилган парракли ювиш баки;
   - ювиш суви циркуляцион насоси;
   - енгил аралашмаларни вибрацион ажратиш жиҳози;
   - ювиш машинасидан донларни вибрацион чиқариш транспортёри.
3. FMC типидаги чархлаш машинаси.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали: (8 371) 139-16-54, 132-61-73, 132-62-94, 144-64-44, 144-64-46. Факс: (8 371) 120-67-29 ёки қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 700003, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй, Халқаро банк ва молия маркази, 4-қават.

D·AMPS
UZDUNROBITA
first cellular

NEW!
## DAMPS тармоғида нархлар арзонлашди!!!
Уланинг!

### "555" режаси
- Абонент тўлови - $5,0 ойига
- Эфир вақти нархлари:
  - чиқувчи алоқа (Ўзбекистон бўйича) - $0,05 бир дақиқа учун
  - кирувчи алоқа - $0,05 бир дақиқа учун
- "Уздунробита" тармоғи ичидаги қўнғироқлар эфир вақти нархлари:
  - чиқувчи алоқа - $0,05 бир дақиқа учун
  - кирувчи алоқа - $0,00
- Халқаро алоқа учун "Уздунробита"да ўрнатилган алоҳида нархлар бўйича тўловлар амалга оширилади

### "Престиж" режаси
- Абонент тўлови - $65,0 ойига
- Эфир вақти нархлари:
  - чиқувчи алоқа - $0,00
  - кирувчи алоқа - $0,00
  - Шаҳарлараро чиқувчи алоқа (Ўзбекистон бўйича) - $0,00
- Халқаро алоқа учун "Уздунробита"да ўрнатилган алоҳида нархлар бўйича тўловлар амалга оширилади

### "Local Unlimited" режаси
- Абонент тўлови - $40,0 ойига
- Эфир вақти нархлари:
  - чиқувчи алоқа (маҳаллий) - $0,00
  - чиқувчи алоқа (Ўзбекистон бўйича) - $0,10 бир дақиқа учун
  - кирувчи алоқа - $0,00
- Халқаро алоқа учун "Уздунробита"да ўрнатилган алоҳида нархлар бўйича тўловлар амалга оширилади

### "Деловой" режаси
- Абонент тўлови - $30,0 ойига
- Эфир вақти нархлари:
  - чиқувчи алоқа (Ўзбекистон бўйича) - $0,10 бир дақиқа учун
  - кирувчи алоқа - $0,00
- "Уздунробита" тармоғи ичидаги қўнғироқлар эфир вақти нархлари:
  - чиқувчи алоқа - $0,10 бир дақиқа учун
  - кирувчи алоқа - $0,00
- Халқаро алоқа учун "Уздунробита"да ўрнатилган алоҳида нархлар бўйича тўловлар амалга оширилади

NEW!
## DAMPS тармоғининг янги хизмат режалари!!!
Уланинг!

нархларга солиқлар киритилган

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

нархларга солиқлар киритилган

Хизматлар лицензиялаштирилган

*Осиё чемпионлар лигаси*

## Жавоб ўйинда ғалаба кутамиз



Жанубий Кореяга йўл олган Тошкентнинг «Пахтакор» клуби куни кеча мазкур мамлакатнинг «Сеонгнам Чунма» жамоаси меҳмони бўлди. Осиё чемпионлар лигасининг ярим финал учрашувини ўтказган мазкур жамоалар ўйиннинг дастлабки таймида бир неча бор гол уриш учун қулай имкониятлар рўй беришига қарамасдан, дарвозалар дахлсиз қолди. «Спорт» телеканали орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилган ушбу учрашувда ўзбек футболи мухлислари иккинчи таймдан гол кутганлари аниқ. Аммо бу таймда ҳам ҳар икки томон ўз дарвозаларидан тўп олишга имконият қолдирмади. Демак, 0:0.

Умид қиламизки, 27 октябрь куни Тошкентнинг марказий «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтадиган жавоб учрашувида футболчиларимиз ғалаба қозонадилар.

**Мақсуд МИРЗО.**

## ҚВП: ҚУЛАЙ, ШИНАМ, ҚИШЛОҚНИНГ КЎРКИ



**Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат аҳамияти даражасига кўтарилган. Бу бежиз эмас. Чунки эл соғлиги юрт бойлигидир. Айниқса, замонавий типдаги қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб ишга туширилаётгани диққатга сазовор.**

*Яқинда Янгиқўрғон туманидаги Паромон қишлоғида ана шундай шифо маскани фойдаланишга топширилди. Салкам беш ярим минг аҳолига хизмат кўрсатадиган бу ҚВП аёллар ва болалар хоналарига, тиббий маслаҳат марказига эга. Улар зарур замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган.*

*— Бу қулайлик эл саломатлигини муҳофаза этиш ишига бутун куч ва билимимизни чин дилдан сарфлашга ундайди, — дейди янги мажмуа мудири Зокиржон Худойбердиев.*

**СУРАТЛАРДА: болалар шифокори Инобатхон Соттикулова; қишлоқ врачлик пункти биносининг умумий кўриниши.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

*Сўраган эдингиз*

## МАШИНАНГИЗНИ БИРОВГА ИШОНАСИЗМИ?



***Шахсий автомобилларимни ишонч қоғози билан бошқариш учун бировга беришим мумкинми? Ёки ишончнома кимларга, қанча муддатга берилади? Умуман ишончномадан фойдаланиш тартибини билмоқчи эдим.***

**Жалолиддин ҚОСИМОВ,**
**Денов тумани.**

**Ушбу саволга Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлим бошлиғи Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ қуйидагича жавоб берди.**

— Авваллари давлат нотариал идоралари томонидан фуқароларга бериладиган ишонч қоғозлари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг тегишли бўлимларида рўйхатга олинмас эди. Бу тартиб транспорт воситаларининг сони кўпайгани сайин ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқара бошлади. Хўш, бу мураккабликлар нималарда кўринади? Дейлик, ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисаси содир этди ва воқеа жойидан қочиб кетди. Бунга гувоҳ бўлганлар бизга транспорт воситасининг русуми, давлат рақам белгиси тўғрисида маълумот беришади. Суриштирув ишлари олиб борилганда эса, шу нарса маълум бўладики, транспорт воситасининг эгаси ўз автомашинасини икки йил аввал бошқа бир фуқарога ишонч қоғози билан сотиб юборган. Айримлар машинасини кимга сотганлигини, унинг яшаш манзилини эслаб қолишади. Баъзиларда эса бундай маълумот умуман бўлмайди. Ана ўшанда кўринг, томошани. Гумондаги транспорт воситасини қидириш учун қанча вақт, қанча куч сарфланади. Охирида шу нарса аниқланадики, транспорт воситаси фақатгина ишонч қоғози билан бешинчи ёки олтинчи одамга ўтиб кетган бўлади. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида эса у биринчи эгасининг номида турган бўлади. Бу биргина йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгандаги ҳолат. Жиноят ёки ҳуқуқбузарликларга алоқадор ҳайдовчиларни тезда топиш керак бўлганда, бундан ҳам чалкаш вазиятлар юзага келади. Шу сабабли ҳам Ички ишлар ҳамда Адлия вазирликлари раҳбарияти ўзаро келишиб, ишонч қоғозларидан фойдаланишга айрим ўзгартишларни киритди.

Эндиликда, бирон-бир шахсга тегишли транспорт воситасини ишонч қоғози билан бошқармоқчи бўлган фуқаро давлат нотариал идораларидан тегишли тартибда берилган ишонч қоғозларини ўн кунлик муддатда ўша транспорт воситаси рўйхатга олинган тумандаги рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими (бўлинмалари)да қайта рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими (бўлинмалари)да қайта рўйхатдан ўтказиши лозим. Бунинг учун ҳайдовчи транспорт воситасининг тегишлилиги тўғрисидаги қайд этиш гувоҳномаси (техник паспорт)ни, икки нусха ишонч қоғозини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинмалари)га тақдим этиши лозим. Бу жойда ишонч қоғози рўйхатга олинади ва ҳайдовчига рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи муҳр қўйилган нусхаси берилади. Ана шундан кейингина ишонч қоғози ҳақиқий деб ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишонч қоғозини қайта рўйхатга олиш вақтида ҳайдовчидан ҳеч қандай тўлов талаб қилинмайди. Бу иш бепул амалга оширилади.

Республиканинг бошқа ҳудудидан келган, ваколатнома билан бошқарилаётган автотранспорт воситасидан фойдаланувчи шахс ва унинг турар жойи ҳақидаги маълумотлар 3 кун муддат ичида транспорт воситаси доимий рўйхатга қўйилган ДЙҲХХ идораларига юборилади.

**— Хўш, агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси ишонч қоғозини белгиланган вақтда қайта рўйхатдан ўтказмаса, қонунда унга нисбатан қандай чоралар кўриш кўзда тутилган?**

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасига асосан ишонч қоғозини белгиланган муддатда қайта рўйхатдан ўтказмаган ҳайдовчига нисбатан энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача бўлган миқдорда жарима солинади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, агар бирор-бир сабаб билан ишонч қоғози ҳайдовчининг ёнида бўлмаса, ушбу кодекснинг 135-моддасига асосан ҳуқуқбузар энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жаримага тортилади. Шунингдек, агар ҳайдовчининг ёнида ишонч қоғози бўлмаса ёки унинг амал қилиш муддати ўтиб кетган бўлса, у ҳолда ушбу ҳайдовчи бошқараётган транспорт воситаси юқорида эслатилган кодекснинг 291-моддасига асосан маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар, ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунча жарима майдонига қўйилиши мумкин.

**Қ. ЭШМАТОВ тайёрлади.**

# Адабиёт ўқитувчим

Урушнинг оғир йиллари. Ўшанда Тахтапулдаги йигирма иккинчи ўрта мактабда ўқирдим. Адабиёт ўқитувчимиз бўлардди, Абдулла ака деган. Жуда ҳам келишган, хушрўй йигит эди. Кенг фикрли, сухандон, дарсни ҳам жуда қизиқарли олиб борарди. Ҳаммамиз уни севардик, ҳафтада бир марта бўладиган адабиёт дарсини орзиқиб кутардик. Кутилмаганда шу муаллимимизни урушга олиб кетиб қолишди, бир-икки ҳафта адабиёт дарси бўлмади.

Ниҳоят илмий мудиримиз ёшгина, келишган, соҳибжамол бир қизни олиб кириб бизга: "Бугундан бошлаб сизларга Мазлумахон Асқарова адабиётдан дарс олиб боради", деб янги ўқитувчимизни таништирди.

Ҳақиқатан, Мазлумахон опа хушбичим, либослари ўзига ярашган, каломи ҳам ширин эди. Хуллас, янги адабиёт ўқитувчимиздан хурсанд бўлдик. Бизга кўп қизиқ ҳикоятлар, ривоятлар, Алишер Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат ва бошқа ўзбек адабиёти намоёндалари ҳақида қизиқарли воқеаларни сўзлаб берарди.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бир куни дарс вақтида Мазлума опа Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Гул жамолин ёпқон ўл..." деб бошланадиган бир дилбар ғазалини ўқиб берди-да, кейин: "Сизлар барчангиз келгуси ҳафтада бўладиган дарсгача, шу ғазални ёдлаб келасизлар", деган вазифани топширди. Дарс охирида яна бир бор: "Топшириқни барчангиздан сўрайман", деб қайта-қайта таъкидлади.

Мен уйга бориб, ярим кечагача ухламай ўша ғазални ёд олдим. Эртаси куни мактабга кетаётганда, қайтаётганда ҳам уни тинмай йўл-йўлакай қайтарардим. Ғазалнинг айрим сўзларини тушунмадим, ўқитувчимиздан сўраб, билиб оламан, деб дилимга тугиб қўйдим. Хуллас, адабиёт дарси бўладиган кунга қадар ғазални тўла ёдлаб олдим. Ўзимда йўқ ҳурсандман, ичимда, "Бугун қироат билан янги ўқитувчимизга ўқиб бераман", деб қўяман.

Биринчи партада Фарид деган аълочи бола билан ўтирардим. У шахмат бўйича мактабимиз чемпиони эди.

— Қани, ғазални ҳаммангиз ёдлаб келдингизларми? — деб сўради Мазлума опа.

Ҳамма бараварига "Мен ўқиб берай", деб қўл кўтарди, мен ҳам.

"Қани энди мендан сўрасалар эди, боплаб ўқиб берардим", деб интиқиб, қўлимни тушурмай тураман. Ўқитувчимиз бўлса энг охирги партада ўтирган Мактуба деган қизга: "Сиз ўқиб беринг", деб қолдилар. У, тутилиб-тутилиб, ғазалнинг сўзларини анча бузиб ўқиди. Кейин яна бир-икки ўқувчини турғиздилар, менга эса, эътибор ҳам қилмадилар. Қўлимни кўтарганча қолавердим.

Аммо Бобурнинг ўша ғазали ҳамон ёдимда, ҳар бир мисраси, нуқта, вергулларигача эсимда турибди. Гоҳо-гоҳо радиода ёки ойнаи жаҳонда хушовоз хонандалар ўша мен ёд олган ғазални айтиб қолса, беихтиёр беғубор болалик йилларим кўз ўнгимда гавдаланади.

Кейин биз мактабни тугаллаб, ҳар ким ўз йўлига кетди: Институт, иш, оила деганларидек. Бир куни қадрдон дўстим, «Ўзтелерадио» идорасининг собиқ раҳбари Убайдулла Иброҳимов менга қўнғироқ қилиб: "Сизни мен билан бирга ўқиган қадрдон курсдошимникига меҳмонга олиб бораман", деб қолдилар.

Қадрдон дўстлар биргалашиб таклиф этилган хонадонга ташриф буюрдик. Билсам, уй соҳибаси ўша менинг адабиёт ўқитувчим Мазлумахон Асқарова экан. Ҳурсанд бўлиб кетдим, кўз олдимга ўша болалик йилларим, қадрдон мактабим, ўқитувчиларим, бирга ўқиган синфдошларим, кечалари Бобур ғазалини ёдлаб тонг оттирган, ўқишга, билимга чанқоқ дамларим келди. Гўё илк бор синфга кириб келган, атлас кўйлаги ўзига ярашиб тушган хушсуврат дилбар қиз кўз олдимда намоён бўлди.

Энди Мазлума Асқарова камолот ёшида эди, машҳур тилшунос, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Россия педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси, ўттиздан ортиқ илмий китоблар, дарсликлар муаллифи. Турмуш йўлдошлари Абдухалил Мансуров ҳам атоқли олим, космик билим соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган машҳур алломаи замон эдилар. Хуллас, ажаб бир маърифатли муқаддас, зиёлилар оиласи.

Катта хонада тўкин дастурхон тузилган. Энг яқин дўстлар жамулжам. Косагул ҳаммага бирма-бир сўз берди. Ниҳоят навбат менга келди.

Ўрнимдан тураман, гапни ўша болалик йилларидан, Мазлума Асқарованинг адабиёт ўқитувчиси сифатида синфимизга биринчи бор кириб келишини, Бобур ғазалини ёдлаш ҳақидаги вазифасини бирма-бир эслатиб ўтаман. Кейин дедим: "Ўша куни сиз қўл кўтарганимда менга сўз бермадингиз, энди мана, бугун, шунча йиллар ўтиб адабиёт ўқитувчимга имтиҳон бермоқчиман" деб Бобур ғазалини ўқий кетдим:

*Гул жамолин ёпқон ул гулнинг*
*ики райҳонидур.*
*Ғунча сиррин очқон ул*
*икки лаби хандонидур.*
*Ул мусалсал икки зулфи*
*гул юзининг устида,*
*Гул уза оғнар магар*
*ул иккининг давронидур...*
*Сел эмасдур ер юзин*
*тутқон кўзимнинг ёшидур,*
*Раъд эмасдур кўкка чирмашқон*
*кўнгул афғонидур...*
*Ул пари ишқида, Бобур, кўнглим*
*андоқ телбадур,*
*Ким сочи занжиридур,*
*чоҳи зақан зиндонидур.*

— Энди менга баҳо қўясизми? — деб сўрадим ҳазиллашиб.

— Баҳо қўйдим, Сиз ҳақиқатдан ҳам ғазални бехато ўқидингиз, — дедилар.

Ҳа, кенг билимли, яхши ўқитувчи ҳар нарсага қизиқувчи олимлар, шоиру адибларнинг камол топишига сабабчи бўлур. Менинг шунчалик камолимда Мазлума опадек азиз ўқитувчиларим, меҳрли мураббийларим асосий сабабдур десам ҳақ сўзни айтган бўламан. Шундай, қалбимизда илм-маърифат руҳини сингдирган меҳрли, олийжаноб устозларимиз олдида бир умрга қарздормиз.

Мана, ўшандан бери олтмиш йилдан ортиқ вақт ўтиб кетибди. Мазлума Асқарова ҳозир муборак ёшида. Тиниб-тинчимас, илмга ихлос қўйган бу меҳнаткаш аёл ёшларга илм-маърифатдан, инсонийликдан, миллий тилимиздан, ўзлигимиз-ўзбеклигимиздан дарс бермоқда. Ахир тил — миллатнинг қалби, жони, у — ғоя, туйғу, тафаккурнинг жонли мужассамидир. Тил бор экан, миллат бор. Зеро, Мазлума Асқарова она тилимиз билан боғлиқ бўлган янги-янги китоблар, рисолалар битиб истиқлолимиз учун ёниб яшамоқда. Биз унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

**Мақсуд ҚОРИЕВ.**

*Эҳтиром*

***Ахир тил — миллатнинг қалби, жони, у ғоя, туйғу, тафаккурнинг жонли мужассамидир. Тил бор экан, миллат бор.***



## Рассомлар кўргазмаси



*Самарқанддаги Акмал Икромов номли Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейида "Самарқанд рассомлар нигоҳида" деб номланган расмлар кўргазмаси очилди.*

**Уни томоша қилган киши кўҳна шаҳарнинг кечаси ва бугуни билан муфассал танишади. Кўргазмадан элликдан зиёд таниқли мусаввирларнинг турли даврларда ишланган асарлари ўрин олган. Айниқса, Л. Буре, П. Бинков, Р. Темуров, М. Аветов, З. Кавалевскаяларнинг Самарқанд обидалари акс эттирилган асарлари томошабинларга манзур бўлмоқда.**

**Шунингдек, музейдан "Ўтмишга назар" деб номланган фотосуратлар кўргазмаси ҳам ўрин олган.**

**А. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Сиднейда малака оширган талаба

Андижон муҳандислик-иқтисод институти битирувчиси Шаҳбозбек Маъмуржонов яқинда Австралиянинг Сидней шаҳридаги йирик компанияларидан бирида малака ошириб қайтди. Андижоннинг Булоқбошисида таваллуд топган бу талаба Австралия ҳукуматининг халқаро тажриба алмашув дастури —"International Rural Exchange" доирасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва сотувчи компанияда менежер сифатида ишлади.

Бу Шаҳбозбекнинг хорижга биринчи сафари эмас. У аввалроқ "Глобал интернейшнл" лойиҳаси доирасида бир ярим йил давомида АҚШнинг тўртта штатида бўлиб қайтганди. АҚШлик фермерларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб қайтган йигит ўз тажрибаларини ишлаб чиқаришга қўллаш ниятида.

**"Туркистон-пресс".**


РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.
Телефон 134-48-11

Товар сертификатланган


TRINITY = RISO
* ризографлар ва сарфлаш материаллари
* қирқиш (ideal), брошюралаш жиҳозлари ва ламинаторлар (rexel)
** жиҳозларни лизинг асосида сотиш
** совғага — Panasonic телефон аппарати
Тел./факс: (998 71) 152-26-30, 152-71-95.
Товар сертификатланган.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !
BANK
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН


Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси комиссия аъзоси Комилжон Маҳаматқулович Адиловга онаси **ХАТИРАХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзтибтехника» акциядорлик компанияси жамоаси Сирдарё вилояти «Тибтехника» масъулияти чекланган жамиятининг директори А. Низомовга волидаи муҳтарамаси **Майрам НИЗОМОВАнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Банк коллежи жамоаси тарих фани ўқитувчиси И. Муқимовага турмуш ўртоғи **Аминжон МУҚИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази жамоаси марказ директори Васила Каримовага падари бузруквори **МАМАНОСИР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази жамоаси марказ илмий ходими Қ. Норбоевага онаси **ИРИС момонинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —1167. 21502 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — С. Анвар.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 22.40 1 3456